

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.28.06.2018. Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**БУТУНОВ ДИЛМУРОД БАХОДИРОВИЧ**

**САРАЛАШ СТАНЦИЯЛАРИДАГИ ВАГОНЛАР ОҚИМИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИ БАҲОЛАШНИНГ ТЕХНИК-  
ЭКСПЛУАТАЦИЯ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Бутунов Дилмурод Баходирович**

Саралаш станцияларидаги вагонлар оқимини ташкил этиш ва  
бошқаришни баҳолашнинг техник-эксплуатация усулларини  
такомиллаштириш..... 3

**Бутунов Дилмурод Баходирович**

Совершенствование методов технико-эксплуатационной оценки  
организации и управления вагонопотоками сортировочных станций. 21

**Butunov Dilmurod Baxodirovich**

Improvement of technical experimental methods for organization of  
wagon flows and management evaluation at sorting stations ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.28.06.2018.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**БУТУНОВ ДИЛМУРОД БАХОДИРОВИЧ**

**САРАЛАШ СТАНЦИЯЛАРИДАГИ ВАГОНЛАР ОҚИМИНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИ БАҲОЛАШНИНГ ТЕХНИК-**  
**ЭКСПЛУАТАЦИЯ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида №В 2019.4. PhD /Т1390 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.tashiit.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Суюнбаев Шинполат Мансуралиевич**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Худайберганов Кобилжон Тахирович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ибрагимов Умидулла Назруллаевич**  
техника фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент автомобиль йўллари  
лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси  
институти**

Диссертация химояси Тошкент темир йўл муҳандислари институти хузуридаги PhD.28.06.2018.Т.73.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2019 йил « 30 » 12 соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100167, Тошкент, Одилхўжаев кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: [tashiit\\_rektorat@mail.ru](mailto:tashiit_rektorat@mail.ru))

Диссертация билан Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (007 рақами билан рўйхатга олинган).  
(Манзил: 100167, Тошкент, Одилхўжаев кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 299-05-66)

Диссертация автореферати 2019 йил « 17 » 12 кун тарқатилди.  
(2019 йил « 16 » 12 даги 08 рақамли реестр баённомаси)."



**А.И. Адилходжаев**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Я.О. Рузметов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

**Н.Н. Ибрагимов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги семинар  
раиси ўринбосари, т.ф.н., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон транспорт йўлақларидаги юк оқимини саралаш жараёнларида ҳаракат тезлигини ошириш, белгиланган вақтларни меъёрлаш ва технологик жараёнларини оптималлаштириш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда бошқаришда баҳолашнинг техник-эксплуатация усулларини такомиллаштириш етакчи ўринни эгалламоқда. Ривожланган давлатлар, жумладан АҚШ, Германия, Швеция, Хитой, Ҳиндистон, Россия каби мамлакатларнинг транспорт магистрал ва маҳаллий тармоқларига таъсир кўрсатувчи турли самарасиз йўқотиш омилларини меъёрлаш, баҳолаш ва бартараф этиш усулларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан саралаш станцияларида вагонларни қайта ишлашда самарасиз вақт йўқотишлар параметрлари қийматларини ҳисоблаш ва белгилаш усулларини ҳамда вагонлар оқимини қайта ишлаш жараёнларини бошқариш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда саралаш станцияларида вагонлар оқимини қайта ишлаш технологик жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни ривожлантириш, иш кўрсаткичларини назорат ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган техник-эксплуатация баҳолаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан саралаш станциясида вагонлар туриш вақтларига таъсир кўрсатадиган самарасиз йўқотишлар вақтларини меъёрлаш асосида станция ишини ташкил этиш ва бошқариш усулларини такомиллаштириш, “қайта ишланадиган вагонларнинг туриш вақти” кўрсаткичи омилли математик моделларини ишлаб чиқиш, самарасиз йўқотишлар вақтларини аниқлаш алгоритмлари ва технологик жараёнларга сарфланадиган техник-эксплуатация харажатларни ҳисоблашга доир дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, вагонларни қайта ишлашдаги иқтисодий ва самарасиз йўқотишлар вақтларини ўз вақтида ва асосли қисқартириш учун йўқотишлар сабаблари асосида “қайта ишланадиган транзит вагоннинг туриш вақти” кўрсаткичининг омилли моделини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамызда транспорт тизимларини ривожлантириш, жумладан темир йўл транспортининг саралаш станцияларида вагон оқимларини қайта ишлаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни оптималлаш-тирувчи ва назорат қилиб баҳоловчи технологияларни ишлаб чиқиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сиғимини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, ... йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, ... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизими

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ...”<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, саралаш станцияларида вагон оқимларини оқилона ташкил этиш ва бошқариш учун вагонларни қайта ишлаш технологик жараёнига таъсир кўрсатувчи омилларни режали ҳисобга олиш асосида вагонларнинг туриш вақтини меъёрлашда самарасиз йўқотишлар вақти параметрларини киритиш усулини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуни (1999 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5099-сон, 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сонли Фармонлари, 2015 йил 6 мартдаги “2015-2019 йиллар учун муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва замонавийлаштириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2313-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига: II. “Энергетика, энергия ва ресурс-тежамкорлик”, ИТД-3 – “Энергетика, энергия, ресурс тежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Саралаш станцияларини ривожлантириш ва ишини такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар етакчи мамлакатларнинг илмий марказлари, университет ва илмий-тадқиқот институтларида, жумладан: University of Baltimore (АҚШ), Technische Universität Berlin (Германия), Swedish national Railway Administration (Швеция), Петербург давлат темир йўл университети (Россия), Россия транспорт университети (Россия), Украина давлат темир йўл транспорт университети (Украина), Тошкент темир йўл муҳандислари институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Саралаш станциялари иш технологиясини такомиллаштириш ва уларнинг эксплуатация кўрсаткичларини меъёрлаш назариясини ишлаб чиқиш бўйича жаҳондаги йирик тадқиқотчилар, жумладан В.А. Кудрявцев, И.Б. Сотников, А.Ф. Бородин, Н.Н. Шабалин, А.Г. Котенко, J. Samaj Chao Zhang, R. Schönemann, M.G. Bardossy, B. Sandblad, M. Marin ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Юртимизда транспорт

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

логистик тизимлар ва транспортли жараёнлардан фойдаланишни назарий-амалий таҳлил қилиш усуллари бўйича масалалар тадқиқоти, поездлар ҳаракатини ташкил этишда техник-технологик ечимлар, саралаш станциялари иш кўрсаткичларини яхшилаш ва вагонларни қайта ишлаш технологик жараёнларини оптималлаштиришга қаратилган тадқиқотлар М.Х. Расулов, Н.Н. Ибрагимов, Р.З. Нурмухамедов, А.Ш. Шорустамов, К.Т. Худайбергенов, Т.Р. Нурмухамедов, Н.Н. Норматов, Г.А. Мирзаева, С. Рихсиев, С.К. Худайбергенов, М.А. Ходжимухамедова, Ш.М. Суюнбаев, А.А. Светашев, У.Н. Ибрагимов, Ж.Р. Кабулов, К.А. Журабаев ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Бироқ, саралаш станцияларида вагон оқимларини ташкил этиш ва бошқаришни баҳолашнинг усулларини такомиллаштириш бўйича кўп йиллар давомида бажарилиб келинган илмий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг етарли эмаслигини таъкидлаш мумкин. Саралаш станциясида вагон оқимларини қайта ишлаш жараёнига таъсир кўрсатувчи самарасиз йўқотишларни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва қисқартириш усулларини такомиллаштириш бўйича бажарилган тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти (“ЎТЙ” АЖ) Илмий техник кенгаш йиғилишининг 29/1-сон баённомасига (2018 йил 28 сентябрь) ва “ЎТЙ” АЖнинг 2019 йилда техник даражасини оширишнинг ягона комплекс режаси”га мос равишда бажарилган (27.12.2018 йилдаги 2374-НЗ буйруғи).

**Тадқиқотнинг мақсади** вагонларни қайта ишлашда вақт йўқотишлар таъсирини ҳисобга олган ҳолда, саралаш станцияларида вагон оқимларини ташкил этиш ва бошқаришни баҳолашнинг техник-эксплуатация усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

саралаш станцияси ишининг кўрсаткичларини техник-эксплуатация баҳолаш, таҳлил қилиш, башоратлаш ва меъёрлаштириш усулларининг замонавий ҳолатини тадқиқ этиш;

саралаш станцияси ишида шартли-ўзгармас омиллар тавсифини декомпозиция қилиш ва вақт йўқотишлар сабаблари классификациясини ишлаб чиқиш;

вагонларнинг саралаш станциясида туриш вақтини меъёрлаштиришда самарасиз вақт йўқотишлар параметрларини киритиш усулини ишлаб чиқиш;

саралаш станциясида вагон оқимларини бошқариш ва ташкил этишни баҳолашнинг математик моделини яратиш ва техник-эксплуатация усулларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “ЎТЙ” АЖ тасарруфидаги саралаш станциялари ва уларнинг техник-эксплуатация кўрсаткичлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** – вагон оқимларини қайта ишлаш бўйича саралаш станциялари ишининг техник-эксплуатация кўрсаткичларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва меъёрлаш усуллари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли ва омилли таҳлил қилиш, математик статистика, ягона харажат ставкалари, стохастик моделлаштириш, статистик ишловнинг корреляцион ва регрессион таҳлили ва алгоритмлар назарияси усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

саралаш станцияси ишини баҳолашнинг техник-эксплуатация усулларини такомиллаштириш учун вақт йўқотишлар сабаблари асосида “қайта ишланадиган транзит вагонларнинг туриш вақти” кўрсаткичининг омилли модели ишлаб чиқилган;

вагон оқимларини ташкил этиш ва бошқариш бўйича станциянинг техник-эксплуатация ишлари сифатини ошириш учун йўқотишлар сабаблари классификацияси уларнинг объекти, усули ва манбалари асосида ишлаб чиқилган;

саралаш станцияларида вагон оқимларини оқилona ташкил этиш ва бошқариш учун режалаштирилган ҳисоблашлар асосида вагонларнинг станцияда туриш вақтини меъёрлашда самарасиз йўқотишлар вақти параметрларини киритиш усули ишлаб чиқилган;

вагонлар ва поездлар билан бажариладиган технологик жараёнлар асосида вагонларни қайта ишлашга сарфланадиган вақт ва харажатларни баҳолаш ва таҳлил қилиш учун саралаш станцияси ишидаги харажатларни ҳисоблашнинг дастури ишлаб чиқилган ва вагонлар оқимини ташкил этиш ва бошқаришни баҳолашнинг техник-эксплуатация усуллари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

саралаш станцияларида вагон оқимларини оқилona ташкил этиш ва бошқариш мақсадида вагонларни қайта ишлашда самарасиз йўқотишлар вақтини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва қисқартириш усули ишлаб чиқилган;

вагонларни саралаш станцияларида қайта ишлаш билан боғлиқ харажатларни ҳисоблаш учун вагон ва поездлар билан бажариладиган технологик жараёнлар кетма-кетлиги ҳисобга олинган дастурий таъминотлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, ўтказилган тадқиқотда замонавий услуб ва усуллардан фойдаланганлиги, математик статистика қонунлари асосида назарий тадқиқотлар олиб борилганлиги, саралаш станциясидаги вагон оқимларини ташкил этиш ва бошқаришни баҳолашнинг техник-эксплуатация усуллари ёрдамида аниқланган самарасиз йўқотишлар вақтлари қиймати олиб борилган тадқиқот натижалари билан мувофиқлиги, тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қайта ишланадиган вагонлар туриш вақтини меъёрлашда самарасиз йўқотишлар сабабларини таснифлаш ва



шартли-ўзгармас омиллар декомпозициясини ишлаб чиқиш асосида саралаш станцияларида вагонлар оқимини ташкил этиш ва бошқариш ҳамда уларнинг техник-эксплуатация кўрсаткичларини баҳолаш имкониятини тасвирлайдиган математик боғлиқликларни ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган дастурий таъминотлар асосида вагонларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган харажатларини ҳисоблаш, вагонларни туриш вақтларини башоратлаш ва меъёрлаш, станция ишида “заиф жойлар” ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ҳисобига вагонларни туриш вақтини камайтириш ва бошқариш самарадорлигини оширишга эришганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Саралаш станцияларидаги вагонлар оқимини ташкил этиш ва бошқаришни баҳолашнинг техник-эксплуатация усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“қайта ишланадиган транзит вагоннинг туриш вақти” кўрсаткичининг омилли модели “ЎТЙ” АЖ тасарруфига кирувчи “Чукурсой” саралаш станциясига вагонларни қайта ишлаш билан боғлиқ харажатларни ҳисоблаш учун жорий этилган (“ЎТЙ” АЖнинг 2019 йил 18 ноябрдаги 01/6370-19-сон маълумотнома). Натижада саралаш станцияси ишида технологик жараёнлар операцияларига қатъий мувофиқ келадиган кунлик назоратни ташкил этиш ва уларни бажарилиш натижаларини баҳолаш имкони яратилган;

вагонларнинг станцияда туриш вақтини меъёрлашда самарасиз йўқотишлар вақти параметрларини киритиш усули “ЎТЙ” АЖ тасарруфига кирувчи “Чукурсой” саралаш станциясига вагон оқимларини белгиланган норматив асосида ташкил этиш ва бошқариш учун жорий этилган (“ЎТЙ” АЖнинг 2019 йил 18 ноябрдаги 01/6370-19-сон маълумотнома). Илмий тадқиқот натижалари вагонларни қайта ишлашда самарасиз вақт йўқотишларни камайтириш бўйича тадбирлар режасини ўз вақтида ва асосли тарзда ишлаб чиқиш ҳамда қайта ишланадиган транзит вагонларнинг туриш вақтини ўртача 3,6%га қисқартириш имконини берган;

вагонлар оқимини ташкил этишни баҳолашнинг техник-эксплуатация ҳисоблаш модели “ЎТЙ” АЖ тасарруфига кирувчи “Чукурсой” саралаш станциясига тегишли ходимлар томонидан станция ишини смена-суткали режалаштириш учун жорий этилган (“ЎТЙ” АЖнинг 2019 йил 18 ноябрдаги 01/6370-19-сон маълумотнома). Натижада станция ишидаги “заиф жойлар”ни аниқлаш орқали поездларни ўз вақтида тузиш ва тарқатишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманлар, шу жумладан 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 2 таси хорижий ва 6 таси маҳаллий журналларда нашр этилган. Шунингдек, 4 та дастурий таъминот учун

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигидан муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бет.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асосланиб, унинг объекти ва предмети тавсифланган, уларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Шу билан бирга тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган илмий ишлар, диссертация таркиби ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Саралаш станциялари ишини баҳолашнинг техник-эксплуатация усулларини ҳозирги ҳолати”** саралаш станцияси ишини баҳолаш усулларининг ривож ва ҳозирги ҳолатини таҳлили ҳамда ушбу станциялар ишининг техник-эксплуатация кўрсаткичларини моделлаштириш усуллари кўриб чиқилган. Шу билан бирга **“ЎТЙ” АЖ тасарруфидаги “Чукурсой”** саралаш станцияси иши эксплуатация кўрсаткичларининг бажарилиши таҳлил этилган.

Станция ишининг техник-эксплуатация кўрсаткичларини баҳолаш ва таҳлил этиш бўйича мавжуд усулларнинг устулик ва камчилик томонлари таҳлили амалга оширилган. Таҳлил натижасида хатоликларнинг фойизи аниқланди ва унга кўра: аналитик усул – 50%гача, график модел – тахминан 18-23%, жадвалли моделлаштириш қарийиб – 20%, имитация моделлаштирилиш 5-10% орасида тебранади. Ўтказилган таҳлил натижалари станция ишини таҳлили ва баҳолашнинг имитация моделлаштирилиш усули самарали эканлигини кўрсатди.

Бундан ташқари, **“ЎТЙ” АЖ тасарруфидаги “Чукурсой”** саралаш станцияси иши кўрсаткичларининг бажарилишини ўтказилган таҳлили, шу жумладан вагонларнинг станцияда туриш вақтининг таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур кўрсаткичлар барча таҳлил қилинган даврлар учун рухсат этилган меъёрдан ошиб кетган. Ўз навбатида саралаш станцияси ишидаги бу каби самарасиз вақт йўқотишлари вагон оқимларини ташкил этиш ва бошқариш бўйича ишлаш технологиясини нафақат станция бўйича, балки бутун темир йўллар бўйича самарадорликни пасайишига ва шу билан бирга унинг транспорт бозоридаги рақобатбардошлилигини ҳам пасайишига олиб келмоқда.

Шундай қилиб, саралаш станцияси ишининг техник-эксплуатация кўрсаткичларини бажарилиши учун улардаги самарасиз вақт йўқотишларини камайтириш лозим бўлади. Бунинг учун вагон оқимларини ташкил этиш ва

бошқаришнинг техник-эксплуатация баҳолашнинг мавжуд усулларини такомиллаштириш талаб этилади.

Саралаш станциялари вагон оқимларини ташкил этиш ва бошқаришнинг техник-эксплуатация баҳолаш усулларини такомиллаштириш масаласи билан кўплаб олимлар шуғулланганлар, бироқ бунинг учун турли параметрлар йўқиндисини қўллаганлар ва баҳолашнинг универсал механизмини таклиф этмаганлар ва шу билан бирга ўз усулларида станцияда вагонларни қайта ишловдан ўтказишда юзага келадиган самарасиз вақт йўқотишлар сабабларини ҳисобга олмаганлар. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, вагон оқимларини ташкил этиш ва бошқаришда ижобий натижалар билан бир қаторда ечимини топмаган масалалар ҳам мавжуд. Шундай қилиб, самарасиз вақт йўқотишлар асосида саралаш станциялари ишини техник-эксплуатация баҳолашнинг мавжуд усулларини такомиллаштириш зарурияти юзага келди.

Иккинчи бобда “Самарасиз вақт йўқотишларни таҳлил қилиш асосида саралаш станцияси ишини техник-эксплуатация баҳолашни тадқиқ қилиш” вагонларни станцияда туриш вақт кўрсаткичларини меъёрлаш ва уни саралаш станциясида бажарилиши ҳамда вагонларни қайта ишлашдаги самарасиз вақт йўқотишлари ва уларнинг сабаблари масалалари тадқиқот қилинган. Тадқиқот натижасида, саралаш станцияси ишидаги самарасиз вақт йўқотишлар сабаблари келиб чикиш жойлари бўйича аниқланди ва баҳоланди.

Амалиётда вагонларнинг саралаш станцияларида туриш вақтлари саралаш станциялари ишининг намунавий технологик жараёнлари услубияти бўйича меъёрланади ва ҳар ойнинг бошланишидан олдин белгиланади.

Қайта ишланадиган транзит вагонларнинг туриш вақти ( $t_{\text{ку}}$ ) тузилмаси ДО-24 ВЦ ҳисобот шакли элементи асосида тадқиқ қилинди. Алоҳида элементларини технологик жараёнларга ( $t_{\text{тех}}$ ) ва операциялар орасидаги кутишлар ( $t_{\text{кут}}$ ) га жамлаш орқали қуйидаги ифодалар олинди:

$$t_{\text{тех}} = t_{\text{м/т}}^{\text{кк}} + t_{\text{иб}}^{\text{кк}} + t_{\text{тар}} + t_{\text{туз.ку}} + t_{\text{м/т}}^{\text{жн}} + t_{\text{иб}}^{\text{жн}} + t_{\text{т}} + t_{\text{там.торм}}, \text{ соат}, \quad (1)$$

$$t_{\text{кут}} = t_{\text{кут}}^{\text{иб(кк)}} + t_{\text{кут}}^{\text{тар}} + t_{\text{кут}}^{\text{туз.ку}} + t_{\text{ок}}^{\text{иб(жн)}} + t_{\text{ок}}^{\text{жн}}, \text{ соат} \quad (2)$$

бунда  $t_{\text{м/т}}^{\text{кк}}, t_{\text{м/т}}^{\text{жн}}$  – мос равишда қабул қилиш ва жўнатиш паркларида таркибларни маҳкамлаш ва тўсишга сарфланадиган вақт, соат;  $t_{\text{тар}}$  – таркибни саралаш тепалигида тарқатишга сарфланадиган вақт, соат;  $t_{\text{иб}}^{\text{кк}}, t_{\text{иб}}^{\text{жн}}$  – мос равишда таркибни қабул қилиш ва жўнатиш бўйича ишловдан ўтказишга сарфланадиган вақт, соат;  $t_{\text{туз.ку}}$  – таркибни саралаш парки йўлларида тузилишига сарфланадиган вақт, соат;  $t_{\text{т}}$  – поездни локомотив билан таъминлашга сарфланадиган вақт, соат;  $t_{\text{там.торм}}$  – поездни тормозлар билан таъминлашга сарфланадиган вақт, соат;  $t_{\text{кут}}^{\text{иб(кк)}}, t_{\text{кут}}^{\text{иб(жн)}}$  – мос равишда, таркибнинг қабул қилиш ва жўнатиш паркларида ишловдан ўтказилишини кутишга сарфланадиган вақт, соат;  $t_{\text{кут}}^{\text{тар}}$  – таркибнинг тарқатилишини кутиш вақти, соат;

$t_{\text{кит}}^{\text{туз}}$  – таркибнинг тузилишини кутиш вақти, соат;  $t_{\text{кит}}^{\text{жўн}}$  – таркибнинг жўналишини кутиш вақти, соат;

Шундай қилиб, қайта ишланадиган транзит вагонларнинг станцияда туриш вақти


$$t_{\text{кит}} = t_{\text{тех}} + t_{\text{кит}} + t_{\text{ибр}}, \text{ соат} \quad (3)$$

бу ерда  $t_{\text{ибр}}$  – вагонларни йиғилишига сарфланадиган вақт, соат;

Умумий кўринишда буни уч аргументли функция кўринишида келтириш мумкин

$$t_{\text{кит}} = f\{t_{\text{тех}}, t_{\text{кит}}, t_{\text{ибр}}\} \quad (4)$$

$t_{\text{кит}}$  нинг қиймати саралаш станциялари иш амалиётидан маълумки, қайта ишланадиган вагонлар хажмига ( $U_{\text{кит}}$ ) тўғридан-тўғри боғлиқ, иш хажми ортиши билан  $t_{\text{кит}}$  нинг таркибий қийматлари турлича ўзгаради (1-расм).



1-расм. Вагонлар туриш вақтларининг уларнинг қайта ишланиш хажмига боғлиқлиги


Тадқиқот натижаларига кўра шу маълум бўлдики, вагонларнинг саралаш станциясида туриш вақтларини меъёрлашнинг амалдаги тизими саралаш станцияси ишидаги ҳар қандай самарасиз вақт йўқотишлар сабабларини ҳисобга олмайди. Шунинг учун ҳозирги амалдаги вагонларнинг станцияда туриш вақтларини меъёрлаш бўйича ҳисоблаш усулига ўзгартиришлар киритилиши зарурияти юзага келди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек,  $t_{\text{кит}}$  нинг меъёрий қиймати саралаш станциясида бир ой олдин белгиланади ва ўз навбатида сутка учун топширик ҳисобланади. Бироқ амалиётда уларнинг ҳақиқий қийматлари бир биридан сезиларли даражада фарқ қилади (2-расм).

2-расмдан келиб чиқадики  $t_{\text{кит}}$  нинг ҳақиқий қиймати ҳар бир сутка ( $a$ ) ва ( $b$ ) ойда унинг техник меъёрлашдаги қабул қилинган режавий қийматларидан сезиларли даражада фарқ қилади. Тадқиқот натижаси бўйича шу маълум бўлдики, станция иш технологиясини самарадорлигини тўғри баҳолаш учун станцияда қайта ишланадиган транзит вагонлар туриш вақтларини меъёрлашда, мавсумий даврлар ва самарасиз вақт йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда ўрнатилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, саралаш станцияси ишида самарасиз вақт йўқотишлар сабаблари баҳоланди. Ўз тавсифига кўра вагон оқимларини қайта ишлашда йўқотишлар сабаблари икки гуруҳга бўлинади: аниқ ва яширин. Амалиётда аниқ йўқотишлар эксплуатация ишлари бажарилишида осонгина кузатилади. Аниқ йўқотишлардан фарқли равишда яширин йўқотишларнинг қиймати унчалик равшан эмас, агар махсус тадбирлар ўтказилмаса, у технологик жараёнларнинг муқаррар қисмига айланади. Ўз навбатида вагонларни қайта

ишлашда йўқотишларнинг бундай сабабларини аниқлаш ва қисқартириш саралаш станциясининг иши учун муҳим муаммага айланади.



2-расм. “Чукурсой” станциясида қайта ишланадиган транзит вагонларнинг ўртача суткалик (а) январ ойи бўйича ва (б) ўртача суткалик вақтларининг ўзгариш динамикаси

Вагон оқимларини қайта ишлашда кечикаётган вагонлар тўғрисидаги кунлик ҳисоботлар маълумотларига асосланиб, 2018 йил январ ойи бўйича “Чукурсой” саралаш станцияси қабул қилиш паркидаги йўқотишлар сабаблари тадқиқ қилинди (3-расм).



3-расм. Йўқотишлар сабаблари вужудга келишининг ойлик частотаси ва уларнинг “Чукурсой” саралаш станцияси қабул қилиш паркидаги умумий вақти

Йўқотиш сабабларининг моҳиятини синчковлик билан тадқиқ қилиб, йўқотишлар учун баъзи сабаблар (масалан ходимларни хатоси туфайли вагонларни тақроран қайта ишлаш) ва унинг қиймати саралаш станцияси

ишида жуда сезиларли деб хулоса қилинди. Шу сабабли, саралаш станциясининг ишида йўқотишларнинг бундай сабабларига ҳар томонлама эътибор қаратиш зарур.

Ўтказилган тадқиқотлар ва станция ишидаги йўқотишлар сабабларини баҳолаш шуни кўрсатдики, саралаш станциясида қайта ишланадиган транзит вагонлар туриш вақтини меъёрлашда, аниқ ва яширин йўқотишлар сабаблари туфайли содир бўладиган вақт йўқотишлар қийматини режавий ҳисобга олиш ва меъёрга қўшиш лозимлиги таъкидланди.

Учинчи бобида **“Саралаш станциясида вагонлар туриш вақти кўрсаткичларини омилли моделлаштириш усули хусусиятларини математик тавсифлаш ва тадқиқ қилиш”** саралаш станциясида қайта ишланадиган транзит вагонларни туриш вақти кўрсаткичларини омилли моделлаштириш усули ишлаб чиқилган. Бу ўз навбатида йўқотишлар сабаблари (тасодифий омиллар) ва улар келтириб чиқарган оғишлар схемаси орасидаги ўзаро боғлиқликни ўрнатиш имконини берди.

Саралаш станцияси ишидаги омилли моделлаштиришнинг муҳим шартли кўрсаткичларнинг омилли тизими чегараларини тармоқ ҳужжатларига тегишли бўлган, технологик носозликлар ва амалдаги ҳисобга олиш тизими билан белгиланадиган кўплаб шартли ўзгармас омилларга  $h_i$  кўплаб тасодифий омилларни  $b_j, q_j$  (технологик ходисалар)ни қўшиб кенгайтиради.

Шу жиҳатдан, диссертация ишида бошқа омиллар билан бир қаторда вагонларни қайта ишлаш жараёнида  $t_{ки}$  кўрсаткичига сезиларли таъсир кўрсатадиган йўқотиш сабаблари сони  $b_j (b_1, b_2, \dots, b_{j_s})$  ва  $q_j (q_1, q_2, \dots, q_{j_s})$  (саралаш станциясида вагонлар туриш вақтлари меъёрланишида ҳисобга олинмайдиган) аниқланган.

Натижада тузилиши саккиз иерархик даража билан ифодаланган  $t_{ки}$  кўрсаткичлар тизими бирлашган омилли модели ишлаб чиқилди. Иерархиянинг 1...7-даражаларида шартли ўзгармас омиллар  $h_i$  жойлашган бўлиб, уларнинг қиймати ёки саралаш станцияси суткалик иш режа графиги параметрлари, ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади. Иерархиянинг 8-даражасида вагонларни кутилиши билан боғлиқ йўқотишлар сабаблари  $b_j$  ва  $q_j$  жойлашган.

$t_{ки}$  кўрсаткичнинг омилли тизими моделини куришнинг таклиф этилаётган усули омилларнинг  $b_j$  ва  $q_j$  таъсирига қараб уларнинг ўзгаришини тадқиқ қилиш имконини яратади.

Йўқотишлар сабабларининг ривожланган технологик бўшлиқлар аломатларида мавжудлиги омилли тизимлар чегараларини  $b_j$  ва  $q_j$  ҳисобига кенгайтириш имконини беради. Йўқотишлар сабаблари тўғрисида ноаниқ маълумотлар мавжуд бўлган шароитда йўқотишлар сабаблари характери, юзага келиши учун жавобгар бўлган таркибий бўлинмалар, уларнинг тарқалиш жойи ва йўқотилиш вақтларини билиш талаб этилади.

Шу муносабат билан, технологик аломатлар – мантикий хусусиятлари бўйича  $b_v$  ва  $q_s$  йўқотишлар сабаблари декомпозицияси ишлаб чиқилди (4-расм).



4-расм. Технологик аломатлари-мантикий хусусиятларига кўра йўқотиш сабабларини декомпозицияси

шартли ўзгармас омиллар хусусиятлари декомпозицияси ишлаб чиқилди ва куйидаги ифодалар олинди:

$$t_{\text{кк}} = f\{I_{\text{кн}}, I_{\text{нб}}, t_{\text{т}}, t_{\text{нб}}^{\text{ТХП}}, t_{\text{нб}}^{\text{ТКП}}\}, \quad (4)$$

$$t_{\text{тар}} = f\{m_{\text{тар}}, g, m_{\text{тар}}^{\text{ман}}, \vartheta_{\text{кпр}}, \vartheta_{\text{сур}}, \vartheta_{\text{туш}}, t_{\text{кпр}}, t_{\text{сур}}, t_{\text{т}}, t_{\text{зеч}}\}, \quad (5)$$

$$t_{\text{йит}} = f\{N_{\text{кув}}, \lambda, J_{\text{кел}}, m_{\text{тар}}, g, m_{\text{итр}}^{\text{кк}}, K_{\text{кеч}}, I_{\text{тар}}, m_{\text{туз}}, t_{\text{т}}\}, \quad (6)$$

$$t_{\text{туз}} = f\{I_{\text{х}}^{\text{жўи}}, I_{\text{оч}}^{\text{ен}}, M_{\text{ман}}, \psi_{\text{тар}}, \psi_{\text{лок}}, N_{\text{т}}, K_i^{\text{ТХП}}, m_{\text{ман}}^{\text{к}}, n_{\text{им}}^{\text{т}}, g_{\text{ксп}}, n_{\text{туз}}\}, \quad (7)$$

$$t_{\text{ши}} = f\{T_{\text{срж}}^{\text{ТХП}}, T_{\text{срж}}^{\text{ТАКК}}, M_{\text{шх}}^{\text{н}}, \theta, \gamma_{\text{аб}}, \psi_{\text{чу}}, \varepsilon_{\text{йўл}}, \varepsilon_{\text{ум}}, I_{\text{нб}}^{\text{жўи}}, t_{\text{нб}}^{\text{ТХП/ТКП}}\}. \quad (8)$$

бунда  $I_{\text{кн}}$  – поездларни қайта ишловга келиш интервали;  $t_{\text{нб}}^{\text{ТХП}}, t_{\text{нб}}^{\text{ТКП}}$  – мос равишда, техник хизмат кўрсатиш пункти (ТХП) ва тижорий кўрик пункти (ТКП) томонидан ишлов бериш давомийлиги;  $I_{\text{нб}}^{\text{кк}}, I_{\text{нб}}^{\text{нб}}$  – мос равишда, таркибларга ишлов бериш интервали;  $t_{\text{т}}$  – тепалик технологик интервали;  $t_{\text{кпр}}, t_{\text{сур}}, t_{\text{т}}, t_{\text{зеч}}$  – мос равишда, кириш, суриш, тепаликдан тушириш ва зичлаш жараёнлари давомийлиги;  $m_{\text{тар}}, g$  – мос равишда, тарқатилаётган таркиблардаги вагонлар ҳамда гуруҳлар сони;  $m_{\text{тар}}^{\text{ман}}$  – тепаликдан ташланмаслиги лозим

4-расм асосида саралаш станцияси ишидаги  $b_v$  ва  $q_s$  йўқотишлар сабаблари классификацияси ишлаб чиқилди ва  $b_v$  ва  $q_s$  ни таҳлил қилиш даврида ахборот танқислиги масаласини ечиш мақсадида омилли йўқотишлар гуруҳи  $P_z$  тузилди.

Натижада куйидаги омилли гуруҳлар ( $P_z$ ) олинди: таркибларни ўз вақтида тузиш ва тарқатиш ва ташниш ҳужжатларини тайёрлаш  $P_1$ ; операциялар бажарилиш давомийлиги технологик меъёрларига рия қилмаслик  $P_2$ ; ҳаракат таркиби бирлигининг носозлиги  $P_3$ ; инфратузилма объектлари нормал ишининг бузилиши  $P_4$ ; иш технологиясининг бузилиши  $P_5$ ; фавкулотда ҳолатлар  $P_6$ .

Саралаш станциялари ишида

бўлган вагон оқимларининг мавжудлиги;  $\mathcal{Q}_{\text{квп}}, \mathcal{Q}_{\text{суп}}, \mathcal{Q}_{\text{тг}}, \mathcal{Q}_{\text{впн}}$  – мос равишда, кириш, суриш, тепаликдан тушириш ва зичлаш жараёнлари тезликлари;  $N_{\text{квн}}$  – вагон оқимлари куввати;  $\lambda$  – келишларнинг зичлиги;  $J_{\text{квл}}$  – станцияга келиш интервалининг тебраниши;  $m_{\text{ту}}$  – тузилаётган таркиблардаги вагонлар сони;  $m_{\text{шр}}^{\text{кч}}$  – поездлар тузиш режаси бўйича туташтирувчи гуруҳлар миқдори;  $K_{\text{квч}}$  – туташадиган гуруҳлар сони;  $I_{\text{тар}}$  – таркатиш интервали;  $K_i^{\text{ту}}$  – тузиладиган поездлар турлари;  $m_{\text{ман}}^{\text{к}}$  – поезд таркибига қўйилишида алоҳида эътибор талаб этиладиган вагонлар мавжудлиги;  $N_t$  – саралаш паркида сутка давомида йиғиладиган таркиблар сони;  $M_{\text{ман}}$  – тортув йўлларидаги маневр локомотивларининг сони;  $I_{\text{оч}}^{\text{кч}}$  – таркибларни саралаш паркидан олиб чиқиш интервали;  $I_x^{\text{кч}}$  – поездни станциядан жўнатишнинг ҳисобий интервали;  $\mathcal{E}_{\text{кш}}^{\text{кч}}$  – кўп гуруҳли поезд таркибидаги вагонлар гуруҳининг ўртача миқдори;  $n_{\text{ту}}$  – тузилаётган таркибнинг йиғилиш йўлига олиб қўйиладиган вагонлар сони;  $\Psi_{\text{тор}}, \Psi_{\text{лок}}$  – мос равишда, тортув йўллари ва локомотивларнинг бандлилик даражаси;  $\Psi_{\text{ч}}$  – чиқиш участкасининг бандлилик даражаси;  $\mathcal{E}_{\text{нр}}^{\text{кч}}$  – участканинг ўтказувчанлик қобилятига йўловчи поездларининг сиқиб чиқариш нисбати;  $\mathcal{E}_{\text{ум}}$  – участканинг ўтказувчанлик қобилятига барча турдаги поездларнинг умумий сиқиб чиқариш нисбати;  $T_{\text{г}}^{\text{рпж}}, T_{\text{г}}^{\text{такс}}$  – мос равишда, локомотивларни тезкор режалаштириш ва тақсимлаш даврлари;  $\gamma_{\text{ас}}$  – участкадаги ҳаракат миқдори ноҳуфтлиги коэффиценти;  $M_{\text{ас}}^{\text{н}}$  – поезд локомотивлари захирасининг қиймати;  $\theta$  – локомотивлар айланмаси.

Олинган (4)-(8) боғлиқликларни саралаш станциясида транзит вагонларни туриш вақт меъёрлари қийматини меъёрлашда қўллаш мумкин.

Бундан ташқари саралаш станцияларининг вагон оқимларини ташкил этиш ва бошқаришни техник-эксплуатация баҳолаш усулини такомиллаштириш учун (3) формулага ўз ичига станция ишидаги вақт йўқотишлар қийматини ҳисобга олувчи самарасиз йўқотишлар параметри  $t_{\text{сн}}$  ни киритиш тавсия этилади

$$t_{\text{кн}} = t_{\text{тех}} + t_{\text{квт}} + t_{\text{инг}} + t_{\text{сн}}, \text{соат} \quad (9)$$

Шундай қилиб буни тўртта аргументли функция сифатида ифодаланиш мумкин

$$t_{\text{кн}} = f\{t_{\text{тех}}, t_{\text{квт}}, t_{\text{инг}}, t_{\text{сн}}\} \quad (10)$$

$t_{\text{сн}}$  нинг қийматини аниқлаш учун қуйидаги ифода таклиф этилди

$$t_{\text{сн}} = T_b + T_q, \text{соат} \quad (11)$$

$$T_b = \sum_{y=1}^y t_{b_y}, \text{соат} \quad T_q = \sum_{s=1}^s t_{q_s}, \text{соат} \quad (12)$$



бунда  $T_b, T_q$  – мос равишда, саралаш станциясида вагонларни қайта ишлашда аниқ ва яширин йўқотишларнинг давомийлиги, соат;  $y, s$  – мос равишда, аниқ ва яширин йўқотишлар индекси,  $y = [1, \dots, Y], s = [1, \dots, S]$

$t_{сн}$  нинг ҳолатини ўрганиш учун “Чуқурсой” саралаш станцияси иши мисолида тадқиқотлар ўтказилган (5-расм).



5-расм. Йўқотишлар сабабларини вужудга келишининг ойлик частотаси ва уларнинг станция ишидаги умумий давомийлиги

лар гуруҳига ҳар томонлама эътибор қаратиш лозим.


Саралаш станцияси ишининг йўқотишлар сабаблари ( $b_r$  ва  $q_r$ ) хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда йўқотишлар қиймати жойлашган жойни аниқлаш учун “Чуқурсой” станциясида вагонларни қайта ишлаш жараёни оқимининг харитаси тузиб олинди ва  $t_{сн}$  параметрини поездларни тормоз билан таъминлаш жараёнидан олдин жойлаштириш тавсия этилди, тадбиқ этилгандан сўнг саралаш станциясининг ишида вақт йўқотишларнинг пайдо бўлиши камайган. Шунинг учун  $t_{сн}$  параметрни  $t_{кп}$  кўрсаткичининг меъёрий параметри деб ҳисоблаш асосланди.

Таклиф этилаётган ёндошув, барча бошқармаларнинг (ташишларни ташкил этиш, вагон хўжалиги бошқармаси ва ҳ.к.) саралаш станциясида транзит вагонларни қайта ишлашда, шу жумладан инфратузилманинг ишида қўшимча қийматни шакллантиришда қўшадиган хиссасини ҳисобга олади.

Ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва  $t_{сн}$  қийматни қисқартиришнинг тавсия этилаётган моделини тадбиқ этиш, уларнинг давомийлигини меъёрлаш асосида вагонларни қайта ишлашнинг ўзгарувчан технологик жараёнларни қўлаш имкониятини берди.

Тўртинчи бобда “Саралаш станцияси вагон оқимларини ташкил этиш ва бошқаришни баҳолашнинг техник-эксплуатация усулларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш” саралаш станцияси ишида харажатларни ҳисоблашнинг техник-эксплуатация модели ишлаб чиқилди ҳамда омилли гуруҳларни ( $P_r$ ) ҳисобга олувчи  $t_{сн}$  параметри қийматларини аниқлаш вазифасини бажаришда қўлланиладиган стохастик моделлаштириш усуллари тадқиқ қилинди.

Йўқотишлар сабаблари моҳиятини синчковлик билан тадқиқ қилиб, баъзи бир йўқотиш омиллари гуруҳлари (масалан, операцияларни бажарилиш давомийлиги технологик меъёрларига риоя қилмаслик ( $P_2$ ) ва иш технологиясининг бузилиши ( $P_5$ )) ва уларнинг станция ишидаги аҳамияти жуда сезиларли эканлиги тўғрисида хулоса чиқарилди. Шу сабабли станция ишида бу каби йўқотиш



$t_{сн}$  параметри ва омилли гуруҳлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аналитик ифодасини ўрнатиш учун чизикли кўп сонли регрессив таҳлил усулидан фойдаланилди. Қўйилган масalani ҳал этиш учун регрессив таҳлилни қўллаш хусусиятларини ўрганиш натижасида  $t_{сн}$  параметрларни баҳолаш модели ва унинг қийматини аниқлаш алгоритми яратилди (6-расм).



6-расм. Саралаш станцияси ишида  $t_{сн}$  параметрини баҳолаш алгоритми блок схемаси: А – йўқотишлар сабаблари гуруҳи  $P_2$  йиғиндисида моделлаштиришдан ўчириб ташлаш жараёни, ушбу коэффициент унча сезиларли эмас; В – моделни қайта шакллантириш жараёни шакллантирилган вақт ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар асосида тузилди.

Улар саралаш станцияларида вагонларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган якуний жараёнларни бажаришда ҳар бир ходимдан келиб чиқадиган харажатлар тўғрисида якуний маълумотларни олишга ва станция иш жараёнининг тегишли вазифаларини амалга оширишда ҳар бир бажариладиган амалга тўғри келувчи харажатларни бир дақиқагача аниқлик билан назорат қилишга имкон берди.

Натижада ҳар бир вагонни қайта ишлаш тури учун саралаш станцияларида ўзининг иқтисодий-математик модели яратилди ҳамда ушбу моделларнинг йиғиндисини станцияда вагонлар туриш вақтлари ва вагон


Саралаш станциясида  $t_{сн}$  параметр қийматини башоратлаш учун ишлаб чиқилган усулдан фойдаланиш натижасида:  $t_{сн}$  параметр қийматини оқилона ва асосли башоратлаш имкони яратилди; маълум бир омилли гуруҳларнинг ( $P_2$ ) транзит вағони туриш вақти микдорига таъсирининг аҳамияти баҳоланди; станция ишидаги йўқотишлар сабабларини қисқартириш мақсадида бу таъсирни минималлаштириш бўйича чоралар кўриш талаб этилиши белгиланди.

Бундан ташқари, саралаш станцияларида вагонларни қайта ишлаш билан боғлиқ харажатларини ҳисоблашнинг техник-эксплуатация модели ва дастурий таъминотлари ишлаб чиқилди. Улар ўз ичига вагонларга ишлов бериш жараёнида иштирок этувчи барча бошқармаларни камраб олган.

Ишлаб чиқилган моделлар вагонларни қайта ишлаш жараёнида иштирок этадиган ҳар бир ижрочига (бўлим ходимларига) тегишли бўлган жараёнларга сарф-

(поезд) бўйича қайта ишлаш харажатлари тўғрисида тўлиқ маълумотларни берди.

Техник-иқтисодий ҳисоб китоблар “ЎТЎ” АЖ тасарруфидаги “Чукурсой” саралаш станцияси мисолида амалга оширилди (7-расм).



7-расм. “Чукурсой” саралаш станциясида йириклаштирилган операциялар бўйича харажатлар динамикаси

Шундай қилиб, моделлаштириш маълумотлари бўйича жўнатилган вагонга тўғри келган жами харажатлар 970,39 минг сўмни ташкил этган бўлса, таркибида 57 та вагон бўлган поезд учун ушбу кўрсаткич 2,57 млн. сўмни ташкил этди.

Диссертация ишида ишлаб чиқилган вагонлар оқимини ташкил этиш ва бошқаришни баҳолашнинг техник-эксплуатация усуллари самарадорлигини аниқ кўрсатиш мақсадида “Чукурсой” саралаш станцияси маневр ишлари режаси бажарилишининг кўрсаткичлари киёсий таҳлил қилинди. 2018 йил сентябрь ойидан 2019 августгача бўлган даврнинг турли хил 3 суткалари таҳлил қилинди. Тадқиқот натижасида саралаш станциясида вагонларни қайта ишлашга сарфланган вақтни ўртача 3,6%га қисқартиришга эришилди ва олинган минимал иқтисодий самарадорлик йилига 146,5 млн. сўмни ташкил этди.

Бундай элементлаштирилган иқтисодий таҳлил суткалик режимда саралаш станциясида вагонлар туриши билан боғлиқ бўлган йўқотишлар сабабларини кўрсатишга имкон яратди, бу ўз навбатида, бошқарувчи ходимлар томонидан вагонларни қайта ишлаш бўйича қабул қилинган қарорларини тузатиш имконини яратди.

Шундай қилиб, таклиф этилаётган усул бўйича доимий равишда суткалик таҳлил ўтказиш, ишлардаги “заиф жойлар”ни тезкор аниқлаш ва саралаш станциясида вагонларни қайта ишлашга доир иш технологиялари самарадорлигини оширишга замин яратади.

## ХУЛОСА

“Саралаш станцияларидаги вагонлар оқимини ташкил этиш ва бошқаришни баҳолашнинг техник-эксплуатация усулларини такомиллаштириш” мавзуси бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулоса тақдим этилди:

1. “Қайта ишланадиган транзит вагонларнинг туриш вақти” кўрсаткичининг омилли модели ишлаб чиқилган. Бу саралаш станцияси ишида технологик жараённинг операцияларига қатъий мувофиқ келадиган кунлик назоратни ташкил этиш ва улар бажарилиш натижаларини баҳолаш имконини беради;

2. Вагонларни қайта ишлашда шартли-ўзгармас омиллар хусусиятларининг декомпозицияси ва йўқотишлар сабаблари классификацияси ишлаб чиқилган. Бу вагонларни қайта ишлаш жараёнида иштирок этувчи ходимларнинг станция иши техник-эксплуатация кўрсаткичларининг бажарилишида қўшган ҳиссасини баҳолаш учун хизмат қилади;

3. Саралаш станцияларида вагонларни қайта ишлашда самарасиз вақт йўқотишлар параметрлари қийматларини аниқлаш ва белгилаш алгоритми ишлаб чиқилган. Ушбу алгоритм самарасиз вақт йўқотишлар параметри билан омиллар гуруҳи қийматлари орасидаги ўзаро боғлиқликни ўрнатиш учун хизмат қилади;

4. Вагонлар туриш вақтларини меъёрлашда самарасиз вақт йўқотишлари параметрларини киритиш усули ишлаб чиқилган. Бу вагонларни қайта ишлашдаги самарасиз вақт йўқотишларни камайтириш бўйича тадбирлар режасини ўз вақтида ва асосли тарзда ишлаб чиқиш имконини яратади;

5. Саралаш станцияларида вагонларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисоблаш бўйича 4 та ЭХМ учун дастурлар ишлаб чиқилган. Улар ҳар бир технологик операциялар учун эксплуатация харажатлари ва вақт сарфлари назоратини комплекс амалга ошириш, саралаш станциясида вагонларнинг туриши билан боғлиқ бўлган “заиф жойлар”ни тезкор аниқлаш ва самарасиз вақт йўқотишлар сабабларини кўрсатиш имконини берган;

6. Ишлаб чиқилган дастурий таъминотлар “ЎТЙ” АЖ тасарруфидаги “Чукурсой” станциясига жорий қилинган. Натижада саралаш станциясида қайта ишланадиган вагонларнинг туриш вақти ўртача 3,6%га камайтиришга эришилган ва йилига 146,5 млн. сўмлик минимал иқтисодий самарадорлик олинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.06.2018.Т.73.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ  
ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА**

**БУТУНОВ ДИЛМУРОД БАХОДИРОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ТЕХНИКО-  
ЭКСПЛУАТАЦИОННОЙ ОЦЕНКИ ОРГАНИЗАЦИИ И УПРАВЛЕНИЯ  
ВАГОНПОТОКАМИ СОРТИРОВОЧНЫХ СТАНЦИЙ**

**05.08.03 – Эксплуатация железнодорожного транспорта**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

Тема диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №2019.4. PhD /Г1390

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного Совета ([www.tashiit.uz](http://www.tashiit.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Суюнбаев Шинполат Мансуралиевич</b> кандидат технических наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Худайберганаев Кобилжон Тахирович</b> доктор технических наук, профессор <b>Ибрагимов Умидулла Назруллаевич</b> кандидат технических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский институт по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог</b>

Защита диссертации состоится «30» 12 2019 г. в 12 часов 00 на заседании Научного совета PhD.28.06.2018.Т.73.01 при Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта. (Адрес: 100167, Ташкент, Адылходжаева, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54, e-mail: [tashiit\\_rektorat@mail.ru](mailto:tashiit_rektorat@mail.ru))

С диссертацией можно ознакомиться в Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта (регистрационный номер – 07).  
(Адрес: 100167, Ташкент, ул. Адылходжаева, 1. Тел.: (99871) 299-05-66.)

Автореферат диссертации разослан «17» 12 2019 года.  
(протокол реестра № 08 от «16» 12 2019 года).



**А.И. Адылходжаев**  
Председатель Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

**Я.О. Рузметов**  
Учредитель секретарь Научного совета  
по присуждению учёных степеней, к.т.н.

**И.Н. Ибрагимов**  
Председатель Научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
учёных степеней д.т.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировых транспортных коридорах в процессе сортировки грузопотоков увеличение скорости движения, разработка методов оптимизации технологических процессов и нормирование установленных времени, а также совершенствование методов технико-эксплуатационных оценок управления играют ведущую роль. В развитых странах, в том числе в государствах, таких как США, Германия, Китай, Швеция, Индия, Россия и в других странах, большое внимание уделено разработке методов нормирования, оценки и устранению факторов непроизводительных потерь, оказывающих влияние на транспортные магистрали и местные отрасли. В связи с этим особое внимание уделяется разработке методов расчёта и нормированию величины параметра непроизводительных потерь времени при переработке вагонов, а также совершенствованию технологии управления процессами переработки вагонопотоков на сортировочных станциях.

В мире осуществляются научно-исследовательские работы по совершенствованию методов технико-эксплуатационной оценки, связанных с анализом и контролем показателя работы, развитию управления и организации технологических процессов переработки вагонопотоков на сортировочных станциях. Одной из важных задач в этом направлении является совершенствование методов управления и организация работы станции на основе нормирования непроизводительных потерь времени, оказывающих влияние на время нахождения вагонов на сортировочной станции, разработка программных обеспечений расчёта технико-эксплуатационных расходов технологических процессов и алгоритмов определения непроизводительных потерь времени. В то же время необходимо разработать факторные модели показателя «время нахождения транзитного вагона с переработкой» на основе причин потерь для своевременного и обоснованного сокращения непроизводительных потерь времени и экономических потерь при переработке вагонопотоков.

В Республике осуществляются мероприятия по развитию транспортной отрасли, в том числе разработка технологий, позволяющих контролировать и оптимизировать управление и организацию процессов переработки вагонопотоков на сортировочных станциях в системе железнодорожного транспорта. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021г. указаны задачи, такие как, «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...сокращению энергоёмкости и ресурсоёмкости экономики, широкое привлечение в производство энергосберегающих технологий, ...дальнейшее развитие дорожно-транспортной инфраструктуры, ...внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления...»<sup>1</sup>. Реализация этих проблем, в частности, по разработке метода

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

ввода параметров непроизводительных потерь времени при нормировании времени нахождения вагонов на основе планового учета факторов, оказывающих влияние на технологический процесс переработки вагонов для рациональной организации и управления вагонопотоками на сортировочных станциях считается одной из необходимых задач.

